Аллоҳ ва Унинг Расули хамр, ўлимтик, чўчқа ва санамларнинг савдосини ҳаром қилди

Жобир разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг фатҳ йили Маккада: «Аллоҳ ва Унинг Расули хамр, ўлимтик, чўчқа ва санамларнинг савдосини ҳаром қилди», деганларини эшитдим. Шунда: «Ё расулуллоҳ, ўлимтик ёғига нима дейсиз? Ахир у кемаларга суртилади, у билан терилар мойланади, одамлар чироқ ёқишади», – дейилди. У зот: «Йўқ! У ҳаром», – дедилар. Кейин ўшанда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аллоҳ яҳудийдарни ҳалок қилсин! Аллоҳ азза ва жалла уларга унинг ёғини ҳаром қилганда уни эритиб, кейин сотиб, пулини ейишди», – дедилар.

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳумо фатҳ йили Маккада турганларида Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Аллоҳ ва Расули хамр, ўлимтик, чўчқа ва санамлар савдосини ҳаром қилди», деганларини эшитдилар. Шунда саҳобалар: « Ё Аллоҳнинг Расули, ўлимтик ёғини сотсак бўладими? Чунки у кемаларга суртилади, у билан терилар мойланади, одамлар чироқ ёқишади», – деб айтишди. Шунда У зот: «Йўқ! Уни сотиш ҳаром», – дедилар. Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: Аллоҳ яҳудларни ҳалок қилсин, лаънатласин! Аллоҳ уларга ҳайвонларнинг ёғини ҳаром қилганда уни эритиб, сўнгра эритилганини сотиб, унинг пулини едилар», – дедилар.

http://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/4556